

**Хоконлик даврида Ўрта Осиё халкларининг иктисодий ва маданий хаёти**

Туркий элатларнинг кенг шаркий худудларда кадим-кадим даврлардан буён яшаб, ўзларидан муносиб маданий из колдириб келганлигини жуда кўплаб тарихий манбалар хам тасдик этади. Мўътабар Хитой манбалари, машхур «Ўгизнома», Урхон-Энасой ёзувлари, Култегин битиклари бунга ишончли гувохдир. Олтой, Тува хамда уларга туташ худудларда турли туркий кабилалар, чунончи, Ашин, Аргу, Угиз, Тўккиз ўгиз, Ўттуз татар, Карлук, Китан, Толис, Турк, Уйгур, Тўкри (тохарлар), Курикан, Дуба (туба-тува)ва бошкалар яшардилар.
VI аср бошларида Олтой ўлкасида сиёсий жараёнлар фаоллашади. Ўша пайтда хозирги Мўгулистон ва кисман Хитойнинг шимолий худудлари устидан Жужан хонлиги хукмронлик киларди. VI аср бошларида Олтойдаги туркий кавмлар орасида Ашин уругининг мавкеи кўтарилади. Ашин уругига мансуб Асан ва Туу 460-545 йилларда бошка уругларни ўзларига бўйсундирадилар ва Олтойда туркий кабилалар иттифокига асос соладилар.Туунинг ўгли Бумин Теле кабиласини хам бўйсундиради. Бумин Жужан хонлигига тобеликдан чикиш учун курашади ва 551 йилда Жужан хонининг кўшинларини енгиб, уларни ўзига бўйсундиради. Бумин 552 йилда Хокон деб эълон килинади ва янги давлат - Турк хоконлигига асос солади. Унинг пойтахти Олтойдаги Ўтукан шахри эди. Хоконлик тез орада кучайиб, унинг довруги ортиб борган. У кўп бор Хитойга юришлар килиб, унинг бир канча худудларини босиб олган. Хитой подшолиги Турк хоконлигига хар йили ўлпон тарикасида юз бўлакдан иборат ипак мато бериб туришга мажбур бўлган. 553 йилда Буминхон вафот этгач, хокимиятга унинг катта ўгли Муганхон (553-572) ўтиради. Муганхон 558 йилда жўжанларга сўнгги бор какшаткич зарба бериб, ўз давлати хукмронлигини Тинч океангача бўлган худудларда мустахкамлайди. Унинг амакиси Истами (унга «Ябгу» -баходир унвони хам берилган) бўлса, бу даврда хоконлик худудини гарбга томон кенгайтириб, Еттисув, Кашкар ва бошка худудларни эгаллайди.
563-567 йиллар давомида Истами ябгу кўшинлари эфталийлар давлатига кетма-кет зарбалар бериб, Ўрта Осиё ва Каспий денгизигача бўлган ерларни эгаллашга муваффак бўлади. Бунинг окибатида Эфталийлар давлати кулайди. Турк хоконлиги Ўрта Осиё ерларини ишгол этгач, унинг худудлари бевосита Эрон чегарасига туташади.

Хоконлик Эрон билан яхши кўшничилик, савдо-сотик алокаларини ўрнатишга интилади. Шу максадда Эрон шохи Хусрав 1 Ануширвонга турк маликаси узатилади, Эронга элчилар юборилади. Бирок Турк хоконининг Эронга икки бор юборган элчилари фаолияти муваффиятсиз чиккач, Эроннинг хоконлик билан муросага бормаслиги, унинг катъий душманлиги маълум бўлади. Бунинг боиси Эрон шохининг Ўрта Осиё худудларига даъвогарлигида эди. Бу эса, шубхасиз, бир неча бор хоконликнинг Эрон билан урушлар олиб боришига сабаб бўлади. Истами кўшинлари Эрон шохи Хисрав I ни енгади. Эрон шохлари Турк хоконлигига 400 минг Византия тиллоси хажмида товон тўлашга мажбур бўлади. Муганхон ва унинг авлодлари гарбда Кора денгизга кадар худудларни забт этиб ўзларига бўйсундирганлар.
Турк хоконлиги 568-569 йилларда ўша даврнинг кудратли давлати-Византия билан иктисодий ва савдо-сотик алокаларини ўрнатишга интилиб, сугд савдогари Маниах бошчилигидаги элчиларни у ерга юборади. Элчилар император Юстиниан II кабулида бўлади. Шундан сўнг Византияннниг Земарх бошлик элчилари хоконлик давлатига келади. Бу эса шу давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва савдо-тижорат муносабатларини ўрнатишда мухим ахамият касб этган.
Турк хоконлари Ўрта Осиёда хукмронлик килса-да, бирок ўзлари бу худудга кўчиб келмаганлар. Улар Еттисув ва бошка худудлардаги бош кароргохларида колиб, бўйсунган худудларни махаллий хукмдорлар оркали бошкариб, улардан олинадиган солик-ўлпонлар ва тўловлар билан кифояланганлар. Бундан кўринадики, Турк хоконлиги даврида бу худуддаги мавжуд махаллий давлат тузилмалари, уларнинг бошкарув тизимлари сакланиб, ички сиёсат бобидаги мустакил фаолиятлари давом этган. Хоконлик истисно холлардагина ўлканинг ижтимоий-сиёсий хаётига аралашган. Бу нарса кўпрок ташки сиёсат, халкаро савдо-сотик масалаларига дахл этарди. Хитой манбаларида таъкидланганидек, Зарафшон, Амударё ва Кашкадарё вохаларида бу даврда 9 та мустакил хокимлик мавжуд бўлган: Самарканд, Иштихон, Маймург, Кеш, Нахшаб, Кушон, Бухоро, Амул ва Андхой шулар жумласидандир. Айникса Самарканд, Бухоро, Хоразм ва Чоч (Тошкент) хокимликлари ўзларига анча мусткил бўлганлар. Бухорхудотлар зарб этган танга пуллар кенг муомалада бўлган. Шу билан бирликда бу нисбатан мустакил хокимликлар ўртасида ўзаро кураш, ички зиддиятлар хам тўхтовсиз бўлиб турган. Бу эса махаллий ахоли хаёти, турмушини ночор ахволга дучор этган. Масалан, 585-586 йилларда Бухорода зодагон дехкон ва бой савдогарларга карши кўзголон кўтарилади. Унга Абрўй бошчилик килади. Хокон Корачўрин кўшинлари кўзголонни бостириб, кўзголончиларни каттик жазолайди.
Бўйсундирилган худудларни махаллий хокимлар оркали бошкариш тартиби хоконликни заифлаштира борди. Натижада VI асрнинг 80-йиллари охирларида Турк хоконлиги икки кисмга бўлиниб кетади.
Гарбий турк хоконлиги (унинг таркибига Ўрта Осиё, Шаркий Туркистон ва Жунгария (Хитойнинг шимолий гарби) худудлари кирган). Шаркий турк хоконлик (унинг таркибига Мўгулистон худудлари кирган). VII асрда гарбий хоконликда шахарлар ривожланиши, Эрон ва Хитой билан кизгин савдо-сотик ва дипломатик алокалар кузатилган. Дархакикат, Хитойда Тан сулоласи (618-907йил) хукмронлиги даврида Гарбий Турк хоконлиги билан Хитой ўртасида фойдали алокалар кенг йўлга кўйилади. Масалан, 627-644 йилларда Ўрта Осиёдан Хитойга 9 марта савдо карвонлари юборилган. VII асрнинг 30-йилларида хоконлик худудларини кезган хитойлик сайёх Сюан Цин Иссиккўл, Чу водийси, Чоч, Самарканд, Бухоро каби жойларнинг анча гавжум ва обод

бўлганлигини кайд этади. Тан сулоласи 659 йилда Шаркий Турк хоконлигини ўзига бўйсундиради.
VII аср иккинчи ярмида анча кучайган Хитой Ўрта Осиё худудларини хам ўз кўл остига киритиш пайига тушади. Бирок 670 йилда тибетликлар бош кўтариб, шаркий Турк хоконлигини янгидан тиклаганларидан сўнг ва бу давлат Хитой учун кутилмаган хавф-хатарни келтириб чикаргач, эндиликда Хитой Ўрта Осиёга бўлган ўз даъвосидан вактинча воз кечади. Унинг эндиги бутун диккати Тибетга каратилади. Бу даврда Ўрта Осиё худудларида Гарбий Турк хоконлиги таъсири тобора заифлашиб боради. Бунга махалий хокимликлар ўртасидаги ички зиддиятлар, ер-мулк учун ўзаро курашлар хам сабаб бўлади. Бу эса пировардида бу худудларнинг араб истилочилари томонидан босиб олинишига сабаб бўлди.
Турк хоконлигининг шаркий ерларидан фаркли ўларок Гарбий худудда ахолининг ижтимоий-иктисодий хаёт тарзи, маданий даражаси нисбатан юкори бўлган. Негаки, шаркий худудларда яшаган кўпчилик кўчманчи туркий элатларда уруг-кабилачилик муносбатлари хамон кучли сакланган. Ахолининг куйи табакаси будун ёки кора будунлар деб аталган. Уруг-кабиланинг номдор вакиллари «беклар» деб юритилган. Жамоани хокон ва зодаганлар кенгаши - «Курултой» бошкарган. Ўрта Осиё ерларида эса бу даврда дехкончилик, богдорчилик ва узумчилик сохалари юксак даражада ривожланган. Ўлканинг Фаргона, Хоразм ва Зарафшон вохаларида кўплаб сув айиргичлар, каналлар, сув хавзалари бунёд этилган.
Фаргона ва Сугдда ахолининг бир кисми тог-кон ишлари билан хам машгул бўлган. Бу ерларда олтин, мис, темир эритиш, улардан керакли асбоб-анжомлар ишлаш яхши йўлга кўйилган. Шунингдек, Илокда кўргошин, кумуш, Шахрисабзда эса кизил туз казиб олинган.
Хоконлик даврида шахарлар хаёти хийла ривож топган. Бухоро, Самарканд, Иштихон, Тошкент, Исфара, Кубо (Кува), Косон каби шахарлар ўша даврнинг анча тараккий этган хунармандчилик ва савдо-сотик марказлари хисобланган. Буюк ипак йўли бу шахарларнинг халкаро савдода фаол иштирок этишини таъминлаган. Ўрта Осиёлик кўли гул хунармандлар, тўкувчилар, заргарлар, мискару темирчилар, кўнчию куролсозлар ишлаб чикарган нафис, харидоргир буюмлар, асбоб-анжомлар турли юртларга юборилган. Махаллий хунармандлар ишлаб чикарган рангли шишалар, зотдор отларга халкаро микёсда талаб катта бўлган. Бу даврнинг ўзига хос мухим ўзгаришларидан яна бири-бу Ўрта Осиё кулолчилиги хунарининг юксак санъат даражасида ривожланганлигидир.
Бу даврда хам юртимизда моддий ва маънавий маданиятнинг янги-янги бетимсол намуналари яратилди. Турли олимлар мутахассислар бахсига сабаб бўлган Турк-руин, Урхон-Энасой ёзуви, Култегин битиклари, Билга хокон ёдномаси ва шу сингари ноёб топилмалар турк ёзма маданиятнинг кадимийлиги ва ранг-баранглигига гувохлик беради. 1970 йилда Алмати якинидаги «Иссик» деган жойдан топилган ва фанга «Иссик ёзуви» номи билан кирган туркий ёзув хам бизнинг ёзув тарихимизга оид карашларимизни янада бойитади. Эндиликда топилган ноёб ашёи далиллар асосида туркий ёзувнинг тарихи милоддан аввалги П-1 асрларга бориб туташиши маълум бўлди. Туронзаминда туркий ёзув билан бир каторда сугд ва хоразм ёзувлари хам кенг кўлланилган. Сугд ёзуви 22 та белгидан иборат бўлиб, чапдан ўнгга караб ёзилган. Шахарларда сўгд-турк икки тиллилиги расмий одат бўлганлиги хакида Махмуд Кошгарийнинг «Девони лугатит турк» (XI аср) асарида хам кайд этиб ўтилган. Бу

ёзувларда улуг аждодларимизнинг катта тарихи, бой маданиятига оид мислсиз

маълумотлар акс этган. Яна шу нарса диккатга сазоворки, ўша даврларда улуг аждодларимиз ўз навкирон наслари тўгрисида хам муттасил кайгурганлар. Шу боисдан ўсмир 5 ёшга тўлиши билан уни билим олишга йўллаб, даставвал, хат-савод ва хисоб-китобни ўрганишга жалб этганлар. Болалар ўсмир-балогат ёшига етгач эса уларни дунё таниш, савдо-тижорат ишларини ўрганиш учун махсус вакиллар хомийлигида хорижий элларга юборганлар.
Турк хоконлигида яшаган халкларнинг диний эътикоди, тасаввурлари хам турлича бўлган, кўп худолилик хукм сурган. Бу эса уларда турли хил осмоний ва ер жисмлари - куёш, ой, ер-сув, хайвонлар ва бошка нарсаларга сигинишликни келтириб чикарган. Осмон худоси Тангри турк кавмларининг энг олий худоси хисобланган. Хозирда хам «Тангри» ибораси Аллох номига нисбат сифатида кўлланилади.
Ўрта Осиё халклари орасида зардуштийлик дини билан бир каторда жойларда буддизм, монийлик, христианлик динларига эътикод килишлик хам кенг расм бўлган. Бу нарса кадимги аждодларимизнинг тор, бикик холда хаёт кечирмасдан балки бошка кўплаб кавмлар, элатлар билан богланиб, аралашиб, маънавий жихатдан якинлашиб хаёт кечирганликларидан далолат беради.
Ўрта Осиё халклари орасида тасвирий санъат ўзига хос услубда ривожланган. Жумладан, Варахша харобаларидан топилган сарой бинолари деворлари пештокларига битилган ранг-баранг, бир-биридан нафис ва жозибадор расм-суратларни (куролланган ёхуд ов килаётган жангчи аскарлар, ок филлар, туялар, отлар ва бошка хил хайвонлар, паррандаю даррандалар ва хоказо) кўздан кечирар эканмиз, бунда аждодларимизнинг ноёб истеъдоди ва акл-заковатига тан берамиз ва бундан ўзимизда гурур туямиз.
Шундай килиб, Турк хоконлиги ўз даврида кенг худуларга ёйилган энг йирик давлат бўлган. Унинг хукмдорлари Хитой, Эрон ва Византия билан бўлган муносабатларда узок йиллар ўз таъсирини ўтказганлар. Шу билан биргаликда хоконлик даври моддий ва маънавий маданияти, унинг нодир намуналари Туронзамин халкларининг тўлаконли турмуш тарзини ўзига хос йўсинда акс эттириб колмасдан, улар бобокалонларимиз дахосининг теранлигидан, уларнинг юксак ижодкорлиги, изланувчанлигидан хам шаходат беради.